

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси.

29 ЯНВАРЬ, ШАНБА. № 21 (769).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ «БУХОРОЧА» УСУЛИ

ЕНИЛГИ-МОЙЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚ, ДАВЛАТ МУЛКИ, УНИ ХУДА-БЕХУДАГА ИСРОФ ҚИЛИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚИ ЙЎҚ

«Эл оғзига элак тутиб бўлмайди», дейди халқимиз. Узи ҳам зап топиб айтган гап. Агар элак тунуб бўлсайди, биз куйида келтириладиган ҳангомалардан бебахра қолар эдик.

Бугунги кунда кўпгина одамлар ишга пиеда қатташга мажбур бўлишадир. Чунки ёқилги танқислиги боис транспорт қатнови камайди. Борлари ҳам аҳён-аҳёнда бир кўринадилар, холос. Начора, «Ўзингда йўқ, оламда йўқ экан». То ўзимизнинг нефтини қайта ишлаш заводларимиз ишга тушгунча баъзи қийинчиликларга чидашга тўғри келади.

Бундай «пойга»дан «Бухоро йўқлиқ»нинг ишга тушиб қолган ҳолатида қўшнилардан бир неча баробар ўзиб кетишиди. Яъни, бу ердан 15 миң километрдан кўпроқ юрилмаган йўл учун 4 тонна ёқилги ҳисобдан чиқарилган. Агар уни пулга чақса, давлатга 600 миң сўмдан зиёд зарар етказилганлигини кўрамиз. Ким билади, буни мазкур ташкилот раҳбарлари тadbиркорлик деб ўйлаётганмикин?

даги ёқилги сарфи учун мутасадди ўртоқлар мастулиятни чуқур ҳис этмаёттирлар. Бу эса ўз наво-тида ёқилгиларнинг метридан ортиқча сарф бўлишига олиб келмоқда. Энг ачинарлиси, транспорт воситалари йўл варақаларида, корхоналарнинг транспорт иши ҳисоботи дафтарларида масофа ўлчангилардаги бақамлар нотўғри кўрсатилаётганлигидир. Масалан, «Бухоро давлат-жамоа ҳўжаликларида ирригация, ишпоотлари қўрилиши» трестига қарашли автокорхонада, ҳамда 9-автокорхонада ва биз юқорида санаб ўтган ташкилотларда ҳам шундай ҳолатлар қайт этилган. Биз уларнинг айримлари хусусида тўхталик, холос.



Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Россия» жамоа ҳўжалигининг пешқадам бригадирини Султон Болтабоев ўтган йили ҳар гектар ердан 52 центнердан шולי етиштириб, 670 тонналик хирмон яратган эди. Бу йил ҳам режалар кам эмас. Қўлланги ишларга ҳозирлик бошлаб юборилди.

ЯНГИЛИКЛАР

«ГУРЛАН» АКЦИЯСИ

Хоразмда илк акциялар савдоси бошланди. Унинг арзони юз миң, қиймати икки ярим миллион сўм-кўнудир. Акцияларни «Гурлан» очиқ усулдан ҳиссалорлик жамияти чиқарган. Уни харид қилганлар Гурлан туманида бунёд этилаётган тикучилик мажмуининг соҳиб бўлади.

«УЗ-ЭЛЬ» — НОГИРОНЛАР МАДАДКОРИ

Самарқанддаги «Уз-эль» хўсуви фирмаси вилоят ноғиронлар жамияти билан ўзаро ёрдам туғрисида шартнома тўздди. Тадбиркорлар ҳар ойда олинаятган фойдани бир миллион сўмни муҳтожларга моддий ёрдам тариқасида беришга қарор қилди. Шунингдек, фирма раҳбарлари ноғиронларнинг меҳнатта қобилиятини ҳисобга олган ҳолда маҳсус ишчи ўрилар ярати беради.

ЯНГИ КОРХОНА

Хатирчи туманида бир кеча кўнудда 17 тонна сутни қайта ишлайдиган корхона ишга тушди. Ниҳозларни Навоий шахридаги «Югпромонтаж» трести мутахассислари ўрнатди. Қўрилиш учун сарфланган 58 миллион сўм маблагни тумандаги «Парвоз» уюшмаси тўлади.

ГЕНЕРАТОРЛАР «ТИРИЛМОҚДА»

Янгиликлар туманидаги «Динамо» ширкати ўтган йили 20 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Корхонада транспорт воситаларининг яроқсиз генераторлари таъмирланади. Бунинг учун зарур ҳолаш — сим шур ерини ўзда таёрламоқда.

Б. ОБИДОВ, «ВИРТЕХ» Қўшма Корхонаси бошқаруви раиси.

О. ХАН, бош директор.

ЎЗБЕКИСТОН:
ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ
Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри ва Ўртағирчиқ тумани фаолларининг йиғилиши бўлди. Уларда ташкилий масала қўрилди. Ж. Насриддинов Бекобод шаҳри, Т. Мирёрбобов Ўртағирчиқ тумани ҳокими этиб тайинланди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишларда сўзга чиқди. Йиғилишларда Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов қатнашди. (ЎзА).

ВАЗНИ КЎРКНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

ҚИЗИЛТЕПА паррандичилик фабрикасига ярим йил бурун Венгриядан келтирилган жуғайлар шу кунлар тез ривожланиди. 4 хўрозлар 5,5 кило тонна босапти. Фабрика жамоаси вилоятдаги паррандичилик ҳўжаликларига наслини жўжа этказиб беришни ўз зиммасига олди. СУРАТДА: цех бошлиги Шаҳриёр Худойназаров ва тоғубоқар Насиб Валиева.

БИР ТУМАНДА ҚИРҚ ФЕРМЕР

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокимлигининг фермерларни қўллаб-қувватлаётган маҳсулотнинг қўлайиши билан оқланмоқда.

ҲўЖИНАТЛАР сансалорлик қилмай, расмийлаштирилиб, солиқ қонунилари тушунтириб борилаётгани сабабли фермер бўлишни ихтиёр этганлар саби кенгаймоқда. Улар учун, ҳатто дўхсалтерлик қўрғинлари ҳам очилмоқда. Фермерлар бунга жавобан давлатга тобора кўпроқ гўшти, сут, тукум, картошка ва сабазоти маҳсулотлари топширмоқдалар.

ИШБИЛАРМОННИНГ МАСЛАҲАТЧИСИ — БОЗОР

ЧИРЧИҚ трансформатор заводи жамоаси бозор талабларини ўрганиб, қан қувватли трансформатор ишлаб чиқара бошлади. КИЧИК корхона ва фермер ҳўжаликларининг қўлайиб бораётгани шундай маҳсулотга бўлган талабни ошириб юборди. Бундан ташқари, корхона илгари Арманистон, Грузия, Украина ва Белорусиядан келтириладиган қўллаб-қувватчи қисмларни ҳам таёрлашга киришди. Бундай ишлангилар завод даромдини оширишдан ташқари, ишчи ўриларини қўлайитириш имконини беримоқда.

СОАТ КЕРАКМИ — «ВАҚТ»ГА КЕЛИНГ

УСТА УБАДУЛЛОНИ Қарши шаҳрида таъмирланган одам йўқ. Қарши қирқ йилдири, У. Раффоров «Уз» соатларга «жон» киргизди. Ҳозир у вилоят уруш ва меҳнат фидойилари қўмитаси Фаридада очилган «Вақт» кичик корхонада аҳолидан қабул қилинаётган бутунлай яроқсиз соатлардан бутунларини йиғайпти.

БИР ЯРИМ МИНГ КИШИ ДАВОЛАНДИ

НАМАНГАН аврел газламалар ишлаб чиқарини бирлашмасига қарашли санитарий-профилактикнинг иккинчи навбати қўриб битказилди.

ОШҚОЗОН-ИЧАК касаллиқларини даволашда фойдаланилаётган маъдан суварини шифобахшлиги жиҳатидан машҳур Кавказ суварини қўлайишайди.

Янги санитарий-профилактикда корхона ишчи-хизматчиларидан ташқари вилоятнинг турли туманлари меҳнаткашлари ҳам селгиларини тиклайдилар. Бу ерда бир ярим миң кишини тиббий хизмат кўрсатилади.

ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ёқилгига, энергия манбаларига, техника ва асбоб-ускуналарга ҳаражатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республиканинг шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчи ташувчи транспортнинг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсидида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Аҳолига сотиладиган ёқилги, энергиянинг ва кўрсатиладиган хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифларини ўзгартириш туғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ 1994 йил 1 февралдан бошлаб метр³ трамвай, троллейбус ва автобусда бир марта юришининг чекланган

тарифи 50 «Сўм-кўпон» қилиб белгиланди. Шу йилнинг 1 февралдан бошлаб шаҳар атрофида автотранспортда йўловчилар ташуш тарифларининг амалдаги чекланган миқдорлари ҳар бир километр масофа учун умумий турдаги автобусларда 8,5, юмшоқ ўрилли автобусларда 12,5 «Сўм-кўпон» қилиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан аҳолининг айрим тоифалари учун йўловчи ташувчи шаҳар транспортда ва шаҳар атрофида қатновчи автомобил транспортда юриш бўйича ҳозирги вақтда амалда бўлган имтиёзлар сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ УТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING АХБОРОТИ

1994 йил 28 январь кунини Қ. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов турғисидаги» Қонуннинг 10-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси раисининг муовини этиб, Қашқадарь вилояти халқ суди раисининг ўринбосари Чори Муқимов, Марказий сайлов комиссиясининг котиби этиб Тошкент вилояти, Янгиёул шаҳар иқтисодиётини мувофиқлаштириш ва статистика бўлими бошлиғи Алишер Аҳмедович Анорқодлов сайландилар. Марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ҳақидаги низоми, шунингдек, юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқадиган ташкилий тадбирлар режаси тасдиқланди ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг маъноси: 700008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдонини, 5.

Телефонлар 39-43-91, 39-51-85, 39-11-43.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда ўтган йил яқунлари ҳамда Президент Исом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ва Олий Кенгаш ўн туртинчи сессиясида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар исосида вилоятда иқтисодий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштириш ма-

Ислохотлар кафолати

Ўз тараққиёт йўлини танлаган муस्ताқил Ўзбекистон бозор муносабатларини шакллантириш сарни ишончли қадамлар билан одимламоқда.

Бизнингча, бу йўлдаги энг муҳим воқеа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўсуви мулк манфаатларини янада ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони бўлди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда хўсуви мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳамма шаклдаги мулкчиликнинг тенгхўқуқлигини тасдиқлаш, ташаббус ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳамма фўрдаларга тенг имкониятлар ярати берилишининг кафолати муштаҳамлашиб қўйилган. Бунинг устига Фармон аҳоли барча иқтисодий гурўҳининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун тегишли имкониятлар яратди. Шунингдек, Ўзбекистонга четдан олиб келинадиган ҳамма маҳсулотлар туридан божхона божларини олиш бекор қилинган, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган қўшма корхоналарга имтиёзли солиқ солиши ҳам тадбиркорлик ҳаражатларини кучайтиради, бозорларни синфий маҳсулотларга тўқдиришга олиб келади.

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЖАМҒАРМА ИСТЕЪДОДЛИЛАРНИ ИЗЛАЙДИ

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 27 нафар мактаб ўқувчиси ва талаба иштирок этган республика ташвиши «Янги давр Улуғбеклари» деб аталган эди. Уларни математика, астрономия, тарихқа қизиқишга эмас, исмлири ҳам бирлаштирган; ҳамма болаларнинг исми Улуғбек эди.

Буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек тадқиқот олиб борган фанларга доир билимлар Улуғбеклар мусобақасининг мавзуси бўлди. Фан ва маданият арбобларидан Иборат ҳаммалар Тошкент кимё-технология институтининг тоилиб Улуғбек Умаровни гоҳиб деб топдилар. Унга хўсуви компьютер топширилди. Компьютерни танлов ташкилотчилари тасарруфига «Юнитек интернешл» Ўзбекистон—Ҳиндистон қўшма корхонаси тақдим этган эди.

Буюк олимнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган бу байроқийд мусобақани Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларга мадад бериш республика жамғармаси ўтказди. Талловни уюштиришда унга Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи, республика болалар жамғармаси, ҳамма номидати давлат академик драма театри жамоаси ва бошқалар ёрдам берди.

Истеъдодли ёшларга мадад бериш жамғармаси дастурининг моҳиятини жамғарма номининг ўзиёқ аён қилиб турибди. Жамғарма тўрт йил муқаддам тузилган бўлиб, унинг асосий фаолияти — истеъдодли ёшлар муаммоларига жамоатчилик этиборини жалб этиш, юқори малакали кодимларни таёрлашдан иборат. Хайри ташкилотининг асосий жамғармаси қирқдан ортиқ муассислар ўтказган маблагдан иборат.

Жамғарма республика олий ўқув юрталари, истеъ-

ЯНГИ КОРХОНА

Хатирчи туманида бир кеча кўнудда 17 тонна сутни қайта ишлайдиган корхона ишга тушди. Ниҳозларни Навоий шахридаги «Югпромонтаж» трести мутахассислари ўрнатди. Қўрилиш учун сарфланган 58 миллион сўм маблагни тумандаги «Парвоз» уюшмаси тўлади.

ГЕНЕРАТОРЛАР «ТИРИЛМОҚДА»

Янгиликлар туманидаги «Динамо» ширкати ўтган йили 20 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Корхонада транспорт воситаларининг яроқсиз генераторлари таъмирланади. Бунинг учун зарур ҳолаш — сим шур ерини ўзда таёрламоқда.

Б. ОБИДОВ, «ВИРТЕХ» Қўшма Корхонаси бошқаруви раиси.

О. ХАН, бош директор.

ВАЗНИ КЎРКНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

ҚИЗИЛТЕПА паррандичилик фабрикасига ярим йил бурун Венгриядан келтирилган жуғайлар шу кунлар тез ривожланиди. 4 хўрозлар 5,5 кило тонна босапти. Фабрика жамоаси вилоятдаги паррандичилик ҳўжаликларига наслини жўжа этказиб беришни ўз зиммасига олди. СУРАТДА: цех бошлиги Шаҳриёр Худойназаров ва тоғубоқар Насиб Валиева.

БИР ТУМАНДА ҚИРҚ ФЕРМЕР

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокимлигининг фермерларни қўллаб-қувватлаётган маҳсулотнинг қўлайиши билан оқланмоқда.

ҲўЖИНАТЛАР сансалорлик қилмай, расмийлаштирилиб, солиқ қонунилари тушунтириб борилаётгани сабабли фермер бўлишни ихтиёр этганлар саби кенгаймоқда. Улар учун, ҳатто дўхсалтерлик қўрғинлари ҳам очилмоқда. Фермерлар бунга жавобан давлатга тобора кўпроқ гўшти, сут, тукум, картошка ва сабазоти маҳсулотлари топширмоқдалар.

ИШБИЛАРМОННИНГ МАСЛАҲАТЧИСИ — БОЗОР

ЧИРЧИҚ трансформатор заводи жамоаси бозор талабларини ўрганиб, қан қувватли трансформатор ишлаб чиқара бошлади. КИЧИК корхона ва фермер ҳўжаликларининг қўлайиб бораётгани шундай маҳсулотга бўлган талабни ошириб юборди. Бундан ташқари, корхона илгари Арманистон, Грузия, Украина ва Белорусиядан келтириладиган қўллаб-қувватчи қисмларни ҳам таёрлашга киришди. Бундай ишлангилар завод даромдини оширишдан ташқари, ишчи ўриларини қўлайитириш имконини беримоқда.

СОАТ КЕРАКМИ — «ВАҚТ»ГА КЕЛИНГ

УСТА УБАДУЛЛОНИ Қарши шаҳрида таъмирланган одам йўқ. Қарши қирқ йилдири, У. Раффоров «Уз» соатларга «жон» киргизди. Ҳозир у вилоят уруш ва меҳнат фидойилари қўмитаси Фаридада очилган «Вақт» кичик корхонада аҳолидан қабул қилинаётган бутунлай яроқсиз соатлардан бутунларини йиғайпти.

БИР ЯРИМ МИНГ КИШИ ДАВОЛАНДИ

НАМАНГАН аврел газламалар ишлаб чиқарини бирлашмасига қарашли санитарий-профилактикнинг иккинчи навбати қўриб битказилди.

ОШҚОЗОН-ИЧАК касаллиқларини даволашда фойдаланилаётган маъдан суварини шифобахшлиги жиҳатидан машҳур Кавказ суварини қўлайишайди.

Янги санитарий-профилактикда корхона ишчи-хизматчиларидан ташқари вилоятнинг турли туманлари меҳнаткашлари ҳам селгиларини тиклайдилар. Бу ерда бир ярим миң кишини тиббий хизмат кўрсатилади.

ЯНГИЛИКЛАР

Хатлардан сатрлар МЕН, 90 ЕШЛА ҚАРНА...

Неча йиллар навбат кутиб охири уйимга телефон ўтказдирган эдим. Яқинда ишламай қолган бу ҳақда 2-АТС бошлиги Имоновга. Ҳамма телефон алоқаси бошлагани Емельяновга арз қилсам-да, натижа чиқмади. Хатларнинг қўшимчалари билан алданган тўлаган бўлсам-да, мени саросон этишлари инсофдими?

Турғунбой ҒОНБОВ, Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг аъзоси, уруш қатнашчиси, Тошкент шаҳри.

ФАЛОКАТДАН

АСРАСИН

Биз яшаётган уй 1933 йилда қурилган бўлиб, шу кунга қадар томи бирор марта ҳам таъмирланган эмас.

Мана икки йилдирки, йўлакдан шариллаб ёмғир суви ўтиб кетаяпти. Энг қўриқчлиси томонда сув элктроник орқали оқиб тушмоқда. Худо қўрсатмасин, бирор фалокат юз берса ним жавоб беради? Биз ЖЭУ—7 ва Юнусобод туман уй-жой раҳбари Убайдуллаевага, шаҳар уй-жой трести бошлиги В. Кимга мурожаат қилавериб, чарчадик. Бизнинг аризини шаҳар ҳокимиятидаги мутасаддиларга етиб бормаринми? Улар биз томонга ҳам бир назар ташлаб қўйармикинлар? Балки ушунда томиниз таъмирланган.

Д. МАТІСАЕВ, Э. АҲМАДЖОНОВ, В. УСМОНОВ, Т. КОЛОКОЛНИКОВА, С. СУЛТОНҚУЛОВ, А. КИМ, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Инёзбек йўли кўчаси, 29-уй.

ТИББИЙ ПАСПОРТ

ЖОРИЙ ҚИЛИНСА...

Испис жонинг иситмаси бўлади, деганлардек, айрим ҳолларда, айтайлик, мусофирчиликда баъзиларнинг касалхоналарга тушиб, қолдиши учраб туради. Шунда соғлиғига оид энг керакли маълумотлар тиббий паспортда кўрсатилган бўлса, беморнинг ҳаётини сақлаб қолинида ва унга тезда ёрдам беришда имконият анча ортади.

Ш. СОВБРОВ, тиббиёт фанлари номзоди.

БУЗИШД-Ю,

ТУЗАТИШМАДИ

Оқдўрғон туманининг Алимхон посёлкасидаги Алишер Навоий ва Усмон Юсупов кўчаларини 1992 йилда қавлаб, қўвурлар ўтказиб кетишди. Орадан бир ярим йил ўтди-ю, лекин сувдан дарак бўлмади. Ўртада кўчаларини харобага айлантиб, ҳозир одам қўриб бўлмайди даражасига етди. Болаларимиз мактабга лой кечиб боришди. Каттаю кичик жуда ҳам қийналдик.

Бир неча бор туман ҳокимиянинг қўриқчи ишлари бўйича муовини Исроиловга мурожаат қилдик, ҳеч қандай натижа чиқмади. Мана бир ярим йилдан бери сувсиз ҳам ўтирибмиз. Сувни узоқ жойлардан ташиб ичмамиз. Бизнинг аризини ним эшитишти?

Б. ОМОНОВ, Э. ТУРДИ-АЛИЕВ, (жамн 6 янво).

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА ЮКСАЛИШ МЕЗОНЛАРИ



Суратда: мақола муаллифи АҚШ-даги Томас Жефферсон номида университетда маъруза қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси жаҳон ҳамжамиятига қомил ишонч билан кириб бормоқда. Давлатнинг миллий манфаатларини идрок этиш, мамлакатнинг ички ва ташқи сийсати тизимини шиллаб чиқиш жараёналари жадал сурбатларда бораётди. Одамлар Ватан истиқболни, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ва унинг жаҳон давлатлари тизимидаги ўрни ҳақида чуқурроқ ўйлайдиган бўлиб қолдилар.

Бу жараёндаги кўпгина ишлар биз учун тамоман янгилидир. Ёш давлат биринчи бор дуч келадиган кўпгина муаммоларни бир йўла ҳал этишга мажбурдир. Янги жамиятни барпо этиш нақадар улкан вазифа эканлигини тушуниб етиш, сийсий ва иқтисодий воқеаларни бутун мураккаблиги ва кўп қирраллиги билан идрок этиш, ўз куч-қудратини ва заиф томонларини ҳис қилиш, мамлакат ва халқ тақдирини учун ҳал этувчи аҳамиятга эришиш мумкин.

Бизнингча, Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёнинг келажиги қандай деган мавзуда аниқроқ мушоҳада қилиш учун, аввало, бу борада биринчи даражада аҳамиятга эришиш мумкин. Аниқлаш олимоқ керак бўлади.

Давлатнинг иқтисодий қудратини ўлчайдиган воситалар кўп. Шулардан асосийси ялли ички маҳсулот ҳажмидир. «Дунё — рақамларда» нуфузли йиллик нашрининг маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон 1993 йилда дунёда 57-ўринни эгаллади. Бу 200 та яқин мамлакат орасида муносиб ўрин эгаллади. Айрим мутахассислар иқтисодий ислохотлар муваффақиятини кесга, Ўзбекистон яқин ўн йил ичида жаҳонда энг тараққий этган иқтисодга давлат сифидан ўрин олиши мумкин эканлигини, Президентимиз «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишидаги ўз йили» китобида иқтисодий салохиятида фойдаланиш ялли миллий маҳсулотни икки баравардан кўпроқ, миллий даромадини эса тахминан уч баравар ошириш имконини яратажанини яққол исботлаган.

Маълумки, сонаот инқилобининг бошланғич босқичларида давлатнинг қудрати, асосан, ҳудуд ресурслари ва аҳолиси билан белгиланган. Бу жиҳатлардан Ўзбекистон салмоқли кўрсаткичларга эга: юқорида тилга олинган маълумотномага кўра аҳоли сонини бўйича мамлакатимиз жаҳонда 41-ўринда, ҳудуди жиҳатидан 52-ўринда, Ўзбекистон дунё аҳамиятига эришиш мумкин эканлигини таъминлайди ҳам эга.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий тизим тараққийида иқтисодий рол ўйнаши шубҳасиздир. Бироқ шу билан бир қаторда инсоният имконлари, мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ва технологияни янги қўлланмалар ҳозирги даврда иқтисодий қудратини таъминлаш ва давлатнинг гуллаб-гўлланганида устивор рол ўйнаб бормоқда. Чунинчи, ҳудуд бўй-бўйи 22 миң квадрат километр ва аҳолиси 21 миллион бўлган кичкинагина Тайван давлати жаҳонда энг иқтисодий тараққий этган янги мамлакат сифидан ўрин олган. У қадар бой табиий ресурсларга эга бўлмаган Япония, Жануби-Шарқий Осиё ва Европадаги бошқа бир қатор мамлакатларнинг муваффақияти ривожини ҳам бунга яққол далилдир.

Оқиб айтиш керак. Вазан сув олинган учун 3—4 кунлаб вақтимиз кетди. Қачоқни, колхоз-совхозларда

Тўғри, қудратли ва бой давлатларда ўзинга хос ҳаёт шартлари мавжуд. Бироқ, биз шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, у ёки бу давлатдаги ҳаёт сифатининг ўлчови айнан инсон ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт сифатидир. Нуфузли халқаро тадқиқот маълумотларига кўра 1993 йилда ҳаёт сифати жиҳатидан янаш энг мароқли мамлакат Дания қироллиги бўлди. Унинг аҳолиси 5 миллион, ҳудуди 27 миң квадрат километр. Жаҳонда иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган АҚШ иккинчи ўнликдаги мамлакатлар сифидан жой олди. Бунинг устига АҚШ-да жон бошига йиллик ялли ички маҳсулот 21.800 америка доллари (1991 йил), Данияда эса анча кам — 15.200 америка доллари (1990 йил) тенг бўлди. Гап шундаки, одамларнинг ҳаёт сифати давлатнинг иқтисодий қудратини, шу жумладан аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулот билангина эмас, балки соғлиғини, санди, экология, таълим, маданият, жамоат транспорти каби бошқа кўпгина кўрсаткичлар билан ҳам белгиланади. Бир сўз билан айтганда, майда ва ўрта давлатлар ўз фуқароларига беэҳтисоб сийсий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган йиллик давлатларга нисбатан кам бўлмаган ҳаёт қўлайлиқларини яратиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Европада тараққий этган майда ва ўрта мамлакатларда одамларнинг йиллик давлат ва уларнинг вақиларига нисбатан камчилик сезмай яшаётганлари беэҳтисоб.

Машҳур сийсатшунос Френсис Фукуяма таъкидлаганидек, қарийб истаган мамлакатнинг асосий миллий манфаати бутунини кунда меҳнат унутмагани ва аҳоли жон бошига даромадининг ўсиши даражасини сақлаб тура олишидир. Шу боис ҳамма ривожланган мамлакатларда ташқи сийсат ва дипломатиянинг иқтисодий ва топармонлиққа (бизнесга) хизмат қилиши уринаётгани, ишбилармонларнинг ўзлари эса мамлакат ташқи сийсий идораси манфаатларини олға суртишга ҳаракат қилаётгани беэҳтисоб. Бошқача қилиб айтганда, сийсат билан топармонлиқнинг бир-бири билан йўғрилиб кетганили мулқалоқ табиий ва бунинг устига давлатнинг муваффақиятли тараққийи зарур шарт бўлиб, мамлакат миллий манфаатларига жавоб беради.

Пул ва бошқа моддий бойликлар одамлар қўлида туриб қолмай, тезроқ муомалага киреётган иқтисодий тизимларда давлат одатда, қуйдаги йўриқлардан келиб чиқиб ҳаракат қилади: агар бирор корхона ёки алоҳида шахс бойиб кетса, ўзларига ҳам яхши, бундан бошқалар ҳам ютади, негаки, улар кўпроқ соғлиқ тўлайдилар ва ўзларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ҳаракатида одамларни қўшимча иш билан таъминлайдилар. Машҳур шпирни эсланг: «Дженерал моторс» учун яхши бўлган нарса Америка учун ҳам яхши.

Ҳатто, асрий ишбилармонлик аъёналарига эга бўлган, ишбилармонлик миллатининг қирқоник мамлакатда ҳам махсус ҳукумат идораси «Ички бизнес маъмурияти» мавжуд. У тўғридан-тўғри мамлакат Президентига бўйсунди ва давлатнинг ишбилармонлигини қўлаб-қувватлаш сийсатини ўтказишга даъват этилган. Чунинчи, Кичик бизнес маъмуриятининг минтақалардаги ваколатхоналари ўз фирмасини ташкил этишни хоҳловчиларнинг ҳаммасига ҳуқуқини ва бошқа жиҳатлардан йўл-йўриқлар бера-

ди, топармонлик режаларини тулашга қўмақланади, бошловчи ва тажрибали ишбилармонларни ўқитади, лойиҳаларни экспертизадан ўтказди, кредитлар беради. Уларнинг телефонлари беэҳтисоб кундуз узуқисини шиллайди, бу давлат идорасининг ўқув ва йўл-йўриқ бериш ишларига минглаб тажрибали кўнгилчилар ва пенсионерлар жалб этилган. Буларнинг ҳаммасига сабаб шунки, ишбилармонлиқни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш АҚШнинг миллий-давлат манфаатларига мос бўлиб тушади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган бу мамлакатда иш ўринларининг кўпчилиги ялли миллий даромадининг деярли 50 фоизини майда топармонлиқ таъминлайди. Телекоммуникация тизимлари, компьютер дастурлари айнан майда топармонлиқ соҳасида вуқудга келди ва ривожлантирилди, целлофан, ҳаво кондиционерлари, реактив двигател, вертолёт, инсулин, пенецилин ва бошқа кўпгина маҳсулотлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан фуқароларнинг ва, умуман давлат манфаатларини таъминлашга қаратилган қўшимча таъкид сийсатига қабул қилмоқ керак Шу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳуқуқини таъминлаш иқтисодий ислохот, тадбиркорлиқ ва хорижий инвестициялар бўйича идораларро Кенгаш доирасида ишбилармонлиқ ва майда топармонлиқ соҳасида давлат сийсатини шиллаб чиқиш ва амалга ошириш, кичик корхона ва ишбилармонлик ташкилотларини рўйхатга олиш сийсатини юритиш имконияти туғилмоқда. Шу кенгаш ёки бошқа давлат ташкилоти тарқиб ортиқла янги ташкил этилаётган ва шиллаб турган корхоналарга ҳуқуқий маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериш (базавий маслаҳат — бепул), лойиҳаларни экспертиза қилиш ва кредитлар бериш тўғрисида банкларга таъсиялар тақдим этиш; хоҳловчиларни маърифий ишбилармонликка ўқитиш; халқаро алоқа ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ёрдамлаш; ишбилармонлар ва ишбилармонлик ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мумкин.

Ишбилармон қилининг иқтисодий образини яратиб ва ишбилармонларнинг янги авлодини ана шундай намуналар асосида тарбиялаш бизнинг миллий манфаатларимизга айнан мос тушади. Зеро, ишбилармоннинг ривожланиши шиллашдан фақат унинг ўзи эмас, балки давлат ҳам, ҳаммамиз ҳам ютаемиз.

Алоҳида фуқароларнинг, корхона ва бутун давлатнинг куч-қайратларини бирлаштириш туриб мамлакатда иқтисодий ривожланишга ва одамларнинг фаровонлигига умид боғлаб бўлмайди. Бу шунин билдирдики, фақат давлат ўзининг алоҳида фуқаролари манфаатларини қўлаб-қувватлаш, одамлар ҳам бутун давлат манфаатлари учун қайғурдилар.

Утган йили ЮНЕСКОнинг Париждаги ходими Тошкентга келди. Миллати — ҳинд. Бир сафар гап орасида Ҳиндистонда 60 америка доллариға портфель сотиб олганини, ҳолбуки, уни Парижда арзонроққа олиши мумкинлигини айтиб қолди. Бироқ у ўз Ватани иқтисодийнинг қўлаб-қувватлаш учун онгли равишда портфельни Ҳиндистонда харид қилган экан. Ёки яна бир воқеа, Австралияди мутахассислар ўтган йили Тошкентда эканликлариди. Ўзбекистонга бўлган ҳуқуқларини ва унинг иқтисодийни қўлаб-қувватлашлари белгисиз сифатида Европада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконияни саволетига учинча қарор қилдилар. Ҳар икки ҳолда ҳам топ бўлиб бошқа мамлакат иқтисодийни учун аравмайдиған миқдордаги пул ҳақда бораётганда тузолади. Бироқ ҳамма гап шахсининг онгли иқтисодий сий-ҳаракатлариди. Бундай сий-ҳаракатлар одамларнинг юксак манфаатлари билан муштарак келади.

Алишер ҒАЙДУЛЛАЕВ, доцент.

Тўғри, капиталистик мамлакатларда яшаётган ҳамма фуқаролар ҳам бундай иқтисодий ватанпарварликни намоян этавермайдилар. Масалан, кўпгина канадаликларнинг харид учун АҚШга боришларини қузатганман, сабаби — у ерда нарх-наво бирмунча арзон. Кўпгина капиталистик давлатларда бошхона тартиблари, шунингдек, фуқароларнинг ватанпарварлик туйғуларига махсус таъсир ўтказиш йўли билан янги бозорни ҳимоя қилиш, ўз маҳсулотларини сотиб олишни рағбатлантириш сийсати юритилади.

Бироқ иқтисодийнинг миллий чегара доирасидан ташқарига чиқиши инглиши, жаҳон бозорига рақобатни кучайиши шунга олиб келмоқдаки, истеъмочилар борган сари маҳсулот сифатига қўпроқ эътибор бермоқдалар. Ёлли, одамларимиздаги оқилона иқтисодий ватанпарварликни рағбатлантириш билан бир вақтда биз ўз табиғатига кўра бозор оқиш тизим эканлигини ва товар ҳамда хизматларимизнинг фақат юксак сифати ва жаҳон бозорига рақобатбардошлиғи иқтисодийнинг ривожига имкон беришини англаб етмоғимиз керак.

АҚШдаги сўнги Президент сайловларини беэҳтисоб қузатганман. Номзодлар учун давлат бюджетидеги тақсисил энг асосий масалалардан бири эканлигига эътибор қаратдим. Бироқ, ўз масалами фақат номзодларини муҳокама этиб қолмадилар. Кўпчилик америкаликлар мамлакат бюджетидеги катта тақсисилни юракларига яқин олдилар, уни шахсан ўз муаммоларига тегишли деб қабул қилдилар. Американинг оммавий ахборот воситалари ҳам бюджет тақсисилни муаммосига жиддий эътибор бериб, миллионлаб одамларни ана шу умумдавлат муаммосини ҳал этиш йўлларини излашга жалб этидилар.

Келингла, ўзимиздан сўрайлик, кўпчилик одамларимиз, ҳатто давлат бошқарув идораларига жалб этилган баъзи фуқароларимиз жумҳуриятимиз бюджетини, мамлакат иқтисодийнинг аҳоли тўғрисида тасаввурга эгамкинлар? Тўғри, фақат манфаатлар шиллаш — мулкдорлар, инвесторлар, қийматли қороз эгалари бир газеталари саҳифаларида бирга янгиликлар, статистика ахборотлари, турли даврдаги савдо ҳажми жаъваллари, мамлакатнинг экспорт ва импорт нисбатлари тўғрисида ҳар кун чоп этилаётган маълумотларга чинакам эътибор беришлари мумкин. Бироқ, шу билан бирга оқиш ахборотларини, иқтисодий кўрсаткич ва муаммоларни кең муҳокама этишни рағбатлантириш сийсати бозор муносабатларининг қарор топиши, одамларда иқтисодий онгининг ривожланишига хизмат қилади.

Рақобатлашув, бозор муносабатлари шариоатида иқтисодий ахборотнинг аҳамияти кескин ошади. Бозордаги аҳолини билмай, бозорни талқин этмай туриб шу бозорда муваффақиятга эришишга умид боғлаб бўлмайди. Ҳўш, бизда ҳам ўзимизнинг ҳам хорижий бозорнинг ўзинга хос жиҳатлари тўғрисида ахборот бериш яхши йўлга қўйилганими? Бизнинг одамларимиз, шу жумладан, мутахассисларимиз жаҳон иқтисодий тараққийидаги йўналишлардан яхши хабардормилар?

Тикоратта йўналтирилган янги газеталаримиздаги айрим иқтисодий-информатик жонланниши, янгиликларни иқтисодий воқеали сифатида қабул этиш мумкин. Бироқ, биз оммавий ахборот воситаларини ички, ташқи ва қийсий жиҳатдан рағ-баранг, кең қамровли, яққол ва асл ҳолига, «тепа тегмаган» иқтисодий ахборотлар билан таъминлаш давлатимиз миллий манфаатларига мос тушишини росман таъ олсак, давлат сийсатини ўтказишга даъват этилган бизнинг давлат нашрларимиз, радио ва телевидениемиз ҳам, низоҳат, бутунини кун талаблари даражасига кўтарилишига умид боғлаш мумкин. Нафақат мазмунини, балки шакли жиҳатидан ҳам. Зеро, бозор шариоатларида товарнинг, шу жумладан, ахборотнинг шакли-беази ҳам улар моҳият-мазмунининг муҳим қисмига айланади.



СЕНАТОРЛАРНИНГ ФИКРИ ШУНДАЙ

ВАШИНГТОН. Америка ҳукумати Хитой, Шимолий Корея, Вьетнам ва бу ҳудуддаги бошқа мамлакатларга ўз эшиттиришларини узатувчи «Озод Осиё» радиостанциясини ташкил этиши ва уни молиявий таъминлашни зиммасига олиши керак, Америка Қўшма Штатлари конгресси сенаторлари шундай фикр билдирдилар.

Маълумки, бу тақлиф илгарироқ Билл Клинтон маъмурияти томонидан маъқулланган эди. Маъмуриятнинг ҳисоб-китоби қараганда, «Озод Осиё»нинг йиллик фаолияти учун кетадиган сарф-ҳаражатлар 22 миллион доллар бўлар экан.

РУМИНЧА АНДОЗА ЯРАТИШМОҚЧИ

БУХАРЕСТ. Мамлакат Президенти ҳузуридаги иқтисодий-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳат гуруҳи бозор иқтисодийнинг руминча андасини ишлаб чиқишни тақлиф этмоқда.

30—35 нафар мутахассисни ўзида ташлаган маъмурух гуруҳ Янги йилнинг ноябр ойида ташвилган эди. Унинг асосий мақсади Руминия иқтисодий ва жамияти тараққийи бўйича ягона ва пухта дастуруламал ишлаб чиқишдан иборат.

ВАЗИР ШОШМАСЛИКНИ МАСЛАҲАТ БЕРДИ

ЛОНДОН. Буюк Британия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳарбий кучлари сафидаги ўзининг чекланган қўшинини Босния ва Герцеговина ҳудудидан чиқариб кетиш масаласида шохқалоқлик қилмоқчи эмас. Янгида собиқ Югославия республикасида бўлиб қайтган мамлакат ташқи ишлар вазири Дуглас Херд шундай деди.

Вазирнинг таъкидлашича, узоққа қўзилган бу мижоро учун серблар асосий жавобгардир. Шундай экан, уларга нисбатан халқаро иқтисодий жазо чоралари ҳозирча қўллаб-назорат қилинган.

РАКЕТА ЯНА ДЕНГИЗГА ҚУЛАБ ТУШДИ

ПАРИЖ. «Ариан» номи ракетага парвоз муваффақиятсиз тугади. Франциянинг Куру космодромидан учирилган ракетага учинчи босқичи ишламай қолди ва денгизга қулаб тушди. У Туркиянинг дастлабки ер сунъий йўлдошини ҳамда Европа йўлдошлараро алоқа ташкилотига тегишли навбатдаги ер йўлдошини орбитага олиб чиқиши керак эди.

Маъмурух ракетага парвоз техник сабабларга кўра бир неча марта кечиктирилган эди. 1979 йилнинг 24 декабрдан, яъни Куру космодромидан дастлабки «Ариан» учирилган кундан буён ўтган вақт мобайнида бу олтинчи муваффақиятсиз парвоздир.

ЯПОНЛАР БЕҲУДА БОШ ҚОТИРИШМАЙДИ

ТОКИО. Япон фуқаролари янги телевизор ёки музлагич, кроват ёхуд автопокишқа харид қилганда эскирини қаерга қўйишни ўйлаб бош қотириб ўтирмайдиган бўлди. Ҳукумат қарорига кўра, бундан буён бу таъминни янги маҳсулотни сотувчи фирма ўз зиммасига олади. У харидорларга эски нарсаларни ахлатхонага ёхуд қиқиндиларни қайта ишловчи заводга топшириш учун йўл ҳақини тўлайди.

НОЁБ ҚУШЛАР ҚўРИҚХОНАСИ

ПЕКИН. Ухань шаҳри теварагида (Хубэй вилояти) ноёб қушлар учун катта қўриқхона ташкил этилган. Шу мақсадда турли-туман гиеҳларга бой ботқоқлик жойдан 3,4 гектар атрофида ер ажратилди. Мутахассисларнинг фикрича қараганда, ҳозирнинг ўзида бу ерда 51 хил ноёб қуш қишлаб қолмоқда.

СОВГАГА—ШЕРВАЧЧА

ДЕҲЛИ. Ҳинд ҳукумати мамлакатда расмий меҳмон бўлиб турган Сингапур бош вазири Го Чон Тонгга иккинчи шервачча инъом этишга қарор қилди. Энди улар Сингапур қайноқ боғида мазза қилиб лйрайдилар ва «хай-вонлар шоҳин» қўйиштириш дастури билан шуғулланаётган мутахассисларнинг доимий қаромоғида бўладилар.

ИНДОНЕЗИЯЛИКЛАР АЭС ҚУРИШМОҚЧИ

ЖАКАРТА. Индонезия атом электр станцияларидан фойдаланишни мўлжалламоқда, деди президент Суҳарто мамлакат пойтахтида бўлиб ўтган энергетика кўрағамасида. Индонезияда янги асрининг бошида дастлабки АЭС-ни қуриб ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди. АЭС лойиҳаси бўйича 1995 йилда таллов ўтказилиши ва унда хорижий фирмалар иштирок этиши кўтилмоқда.

ТАДБИРКОРНИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ, ЛЕКИН...

Бугун ишбилармон тадбиркорлар замони. «Ҳамма нарса қиммат, янаш оғирлашиб кетди», дейишдан наф йўқ. Яхши янаш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланган одам ютади. Келинг, гапни мухтасар қилиб ўз тажрибаларимдан гапирай. Меннинг 6 сотиқ томорқам бор. Ўтган йили маъмурух жойдан уч марта ҳосил олдим. Эҳтиёжиямдан ортган маҳсулотларини сотиб 450 миң сўм соф даромад қилдим. Ахир қишлоқларда

10—15 сотиқлаб ерга чорва учун маккажўхори-дан бошқа нарса экмайди-ганлар қанча. Вақолашим ер—буюк хаазина. Ана шу туганмас хаазинадан оқилона фойдаланишга, ҳамма уям ҳафсала қилавермай... Ишлаймай деганларнинг йўлида турли тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Шулардан энг асосийси сув тақчиллиғидир. Оқиб айтиш керак. Вазан сув олинган учун 3—4 кунлаб вақтимиз кетди. Қачоқни, колхоз-совхозларда

га тегишли майдонлар обдон сугорилгач, томорқачиларга навбат келади. Ахир томорқачиларнинг мақсадлари ҳам эл-орт дастурхонининг тўқиллигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўлиш-ку! Агар қишлоқларда мийороблар ўрни ташкил этилса, мийороблар қишлоқ хонадонларида етиштирилаётган мена-сабабот ва уларнинг ўз вақтида дурорилишига масъул бўлсалар, Шунингдек, илборлар тажрибаларини оммалаштиришда ҳам мийороблар турли имтиёзлар берилса. Шунда деҳқон бозори пештахталари турли ноз-неъматлар билан бой, арзон ва сифатли бўлиши таъминланади. А. ИНОҒОМОВ, Зангиота тумани.

ХУШХАБАРЛАР

ОЛИМЛАР ИЛМИЙ ИШЛАРИ ЙЎЛЛАРИ Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатида кичик технология йилининг умумий йиллиги бўлди. Унда ўтган йилги илмий тадқиқот фойдаланиши асосий йилларнинг кўриб чиқилди. Йилнинг қатнашчилари фундаментал ва амалий тадқиқотларни янада тақомиллаштириш, республика иқтисодий ва иқтисодий тараққийига йил-фем қўшади-ган улушини қўлай-тириш вазифаларини муҳокама қилдилар. Яқин орада академиянинг механика, бошқарув жараёна-ри ва ахборот, био-

логия ва физика-математика фанлари бўлимидаги шунингдек Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Самарқанд бўлимида ҳам умумий йиллиқлар бўлади. Шу анкуманлардан сўнг умумий йиллик йиллигида олимлар фанлар академиясининг фан — техника тараққийи-нинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятини муҳокама қилдилар. ҒОЛИБ ЙУҚ... ҒОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ ВЕЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ВЕЛОЯТ КЕНГАШИ Ўзбекистон

АРАФАТ САУДИЯДА

Фаластини озод қилиш ташкилоти кўроғи қўмитасининг раиси Ясир Арафат сўнги уч йил ичида биринчи марта Саудия Арабистонига келди. Жидда аэропортида Фаластин раҳбарини шаҳзода Сауд Абдул Муҳсин кутиб олди. Ташриф давомида меҳмонни Саудия Арабистонини қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз қабул қилди. Ҳазор мулоқот чоғида минтақадаги давлатлар билан Фаластинни озод қилиш ташкилоти ўртасидаги муносабатлар, Яқин Шарқда тинчлик ва оқшоталиқни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳока

ЖАВЗМИ КАВВАР

ЭШИТМАДИМ ДЕМЕНТИЕР

МУСИҚА ТИНГЛАВ ОВҚАТЛАНАДИГАН ОЛАБУГА

ЯПОНИЯнинг Кюсю оролидаги Саки бўғозда денгиз олабугаси (балиқ) боқилади.

ЯКОРГА диаметри 16 метрли махсус бетон оқур ўрнатилган бўлиб, унда балиқларга аталган озуқа сақланади...

«ЖАННАТ МЕВАСИ» ҚИММАТГА

ТУШАЯПТИ

НИЖЕГОРОДСК вилоятининг Бутурлино тумани марказидаги мактабларнинг бирда... тижорат дўкон очилди.

ТАДБИРКОРЛАРнинг тижорат рекламалари учун миллионлаб маблағ сарфлашлари бежиз эмас...

ТОВУШ ЧИҚАРАДИГАН ЮК

БОЖХОНА ходимлари, аввалда, бу юкларни оддий яшиқлар деб ўйлаб, ортиқча эътибор бермадилар...

ЮК эгалари бўлган икки йилит «Худода шукур» дейишга улгурмаёк, яшиқлардан галати товуш чиқа бошлади...

Хуллас, серпентологларни чақиришга тўғри келди. Қарашса, яшиқларга 25 та захарли илон жойланган экан...

ШИШАДОШН — МУШУК-ВАСКА

«КўР кўрн қоронғида тошибди» деганларидек, Сизар лақабли дайди йилит Васка лақабли дайди мушук билан шишадош дўст тутипти.

АВВАЛИГА Сизар Васкани пиво ёни вино шимдирилган нон бурдалари билан сийлаб юрди. Бундай таомга одатланмаган Васка дастлаб уни қидлаб, бурчани жийириди...

ЖОРЖ БУШ АВИОМОДЕЛЧИГА

ТАН БЕРДИ

БОШҚИРД учувчилари АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушга «Авенжер» самолётининг моделини ҳади эттишти.

ГАП шундаки, бу модел уруш пайтида Буш учан ва душманлар томонидан урни туширилган бир моторли самолётнинг аниқ нусха-синдир. Ушанда ақиллаж командирин бўлган Буш парашютда сакраб, жон сақлаб қолган эди...


УНИН НЕГА КЕЧИДИ?

ОЛМОНИЯ ва Англия футбол

терма жамоалари шу йил 20 апрель кунин ўртоқлик учрашуви ўтказиш ҳақида келишиб олишганди.

БИРОҚ бу ўйинни бошқа кунга кўчиришга тўғри келиб қолди.

Сабаби — Адольф Гитлер ҳам айнан 20 апрель кунин тутилган экан. Немис футбол уюшмаси раҳбарларининг фикрича, шу кунин ишчи-бошқариларнинг кайфиятлари «ўзгача» бўлармиш...



Умрингдан барака топ.

С. МУСАЕВ тасвири.

ВОБУРГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚВИМ

«Андижон» нашриёти Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тақвими сотувга чиқарди. Унинг ҳар бир варағидан шогир газаллари, ҳаётига оид лавҳа-тасвирлар ўрин олган...

«БЎЗДАН САЛОМ»

«Улугбек» киностудиясининг оператори Эльдор Мамедов бошлиқ ижодкорлар Андижон вилояти Бўз тумани ҳаётига акс эттирувчи ҳужжатли фильм яратди. «Бўздан салом» деб номланган фильм воқеа бандини бўзлик шовир Тўлан Низоом ва журналист Тўйчибой Масмасодиёв ёзди.



ЎЗБЕК халқ циркида қадим замонлардан буюн дорбозлик, афсунгарлик, ёғоч-оёқ, оловбозлик ҳамда коса, тоғора, қўза, лаган, илчюк, қошиқ билан бажариладиган ўйинлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўзбек халқининг жуда қадим замонларга бориб тақалувчи урф-одатлари мумассас топган...

ХАТЛАРДА ТАБАССУМЛАР

Мухарриратимизга келаятган мактублар орасида кулугга йўртакланган фикрлар ҳам учраб қолади. Муштарийларнинг мулоҳазалари уларнинг азбаройи соддалигидан, қалби беғуборлигидан далолат бериб туради.

ВОСМАСАНГИЗ САЛОМИМИН ҚАЙТАРИБ ОЛАМАН

Мухтарам мухаррират ходимлари мен «Говмушлар» сарлавҳали очерк ёзувдим. Агар уни газетанингизда эълон қилсаларингиз, сизларга алағали саломимини йўллаймам, Босиб чиқармасаларингиз уни қайтариб оламан.

Т. САМИЕВ, БУХОРО.

МУХВИРГА ҚЎШИБ, БИР ОЛИМ ҲАМ ЖУНАТСАЛАРИНГ

Менинг 29 та беданам, 7 та қалқим бор. Битта мухбир, битта олим юборинглар. Мухбир мен ҳақимда мақола ёзади, олим эса тажрибамни ўрганади...

Хурмат билан, Н. ЖАМОЛОВ, РИШТОН тумани.

ИҚТИСОДДАГИ АЖОИБ ИХТИРО

Қишлоғимизда ҳар кунин кечқурун электр токи бўлмайдми, Биз энди қорачириққа жуда ўрганиб қолдик. Хотин-қизларимиз унинг ёруғида ҳатто кашта тикишмоқда. Қадим замонларда ота-боболаримиз шундай яшаганку.

Қоқил ПАРВОЗИЙ, Қашқадарё.

БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ ЭҲ, АСАБЛАР, АСАБЛАР

ЛОНДОНДАГИ психиатрия университети профессори Ханс Айсенс айтдики, рақ, юрак касалликлари ва атроф-муҳит таъсирига инсон муносабатлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигининг исботловини далиллар мавжуд. Афтидан, ҳис-ҳаяжонларга ортиқча берилмайдиган, оғир-босиқ кишилар рақ касалига кўпроқ чалинадилар. Жаҳлдор, серзада кишиларда юрак хасталиклари кенгроқ тарқалади.

Жаноё Айсенс Британия руҳшунослари аниқламанида сўзга чиқиб, чекинишигиз ўзининг саломатлигига руҳий зарараларга инсобатан кўпроқ зарар етказишини айтди. Аммо бу аниқ омиш қилшларга рақ ва юрак хасталиклари хавфининг ўч чандон ошириши мумкин.

Демак, кишиларда шунинг биллиб қўйиларини, ҳамон чеканидан бўлсангиз асабий-лашмангиз, ўз соғлигингизни асранг!

Хамюртимизнинг илмий хулосалари АҚШнинг Нью-Жерси дорулфунунин олимлари томонидан супер компьютерларда ўтказган миндорий экспериментларда яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

М. МАМАДАЗИМОВ, физика-математика фанлари номзоиди, астроном.

ПАРТОВ ВА БОШҚАЛАР

ҚЎРҚУВ ҲИССИ

«Вой-дод, ёрдам беринглар!» деган овозни эшитиб, жиннихонадаги духтирлар боғ томонга югуришди. Чирмовуқлар ўсиб ётган жойга етиб боришганда рўмолчада хотиржам оғиз артиб турган Партов жиннига йўлиқдиши.

«Хайрият-е, қўрқув ҳисси пайдо бўлган бўлса, деман тузалиб қолибди» деб ичидан суюниб қўйди катта ҳамшира.

«Қўрқаним йў, — Унда нега бақирдинг? — Мен бақирибманми? Ейишни бошлаганимда, ажини додлади.

ДАЛИЛ

Партов жинни хотинини бурчанка қисиб дўқ урди: — Сен драмасини биламан, бошқа шярмасиқ одамга эрга тегиб кетдинг!

НАСИҲАТ

Партов жиннининг жинини ҳарбийга кузатишгаётганларида, хайрлашаётиб ҳарким ҳар кил насиҳат қила келди:

ХУШХАВАР

Партов жинни кўчадан орзини қулугида бўлиб югуриб келди.

ТАЪМИРЛАШ

Ҳаммаёғи дабдала бўлиб кетган Партов жиннининг дўхирхонага оқибди, дарҳол операция қила бошлашди. Бош врач келиб қараса, бир тўп одам дахилда гала-роув кўтариб юрибди.

НАСИҲАТ

Бош врач: «Футболчи бўлсаларингиз, бу ерда нима қилиб турибсизлар?» деса, жиннилар операция хонасини кўрсатиб: «Кўтиб турибмиз, анави дўхончада тўпимизни ямашаяпти», деб жавоб қилишди.

НАСИҲАТ

Партов жиннининг жинини ҳарбийга кузатишгаётганларида, хайрлашаётиб ҳарким ҳар кил насиҳат қила келди:

НАСИҲАТ

Партов жиннининг жинини ҳарбийга кузатишгаётганларида, хайрлашаётиб ҳарким ҳар кил насиҳат қила келди:

НАСИҲАТ

Партов жиннининг жинини ҳарбийга кузатишгаётганларида, хайрлашаётиб ҳарким ҳар кил насиҳат қила келди:

НАСИҲАТ

Партов жиннининг жинини ҳарбийга кузатишгаётганларида, хайрлашаётиб ҳарким ҳар кил насиҳат қила келди:



Қиш қандай мазза... Т. ЛУТФУЛЛАЕВ тасвири.

ВЕЛОСИПЕДАДА 186 МАМЛАКАТНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ, САМАРҚАНДА ЕТИБ КЕЛДИ

ДУНЁДА тақдирин қизқарли одамлар кўп. Айрим тоифадаги одамлар бутун умрини қалбиданги ҳоно-хавас учун сарфлаша-да, экинчи бундан нолишмайди. Яқинда самарқандликлар шундай аҷоиб кишилардан бирини учраттиди. У германлик Хайнц Стукедир. Хайнцнинг ички сайёҳликка тушган. Эллик бир ёши қоралаган бўлишга қарамай, ҳамон велосипедда дунёкезарлик қилиш одатини ташламапти. Самарқандга ҳам у ўзининг севимли улловида кириб келди.

БУЮКЛАР ФАҚАТ «5»ГА ЎҚИГАНМИ?

ЎТГАН йили Самарга давлат техника университети «Касб фаолиятида улкан ютуқларга эришганлиги учун» бир гуруҳ собиқ битирувчиларига фахрий профессор унвонини берди. Улар орасида 1986 йил битирувчиси Виктор Черномирдин ҳам бор.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Юлдошев, набатчи — М. Муродова.

Халқ сўзи Народное Слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрнин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Леп ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Приқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаддин ҚОРАБОВ, Садахтор ГҲЛОМОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси.